

Date: 17th November-2025

**ЗАИФ ЭШИТУВЧИ ЎҚУВЧИЛАРГА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎТИШ**

Д.Бегматов

Республика имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган
махсус техникум Ишлаб чиқариш таълими устаси

Аннотация: Бу мақолада заиф эшитувчи ўқувчиларга ўқув амалиётларини инновацион технологиялардан фойдаланиб ўтишнинг самарали усуллари баён этилган.

Калит сўзлар: заиф эшитувчилар, инновацион технологиялар, ўқув амалиятлари, интерактив усуллар, педагогик инновация, шахсга йўналтирилган технологиялар, кластер усули, кўргазмали қуроллар.

Замон шиддат билан ўзгариб борар экан, таълим соҳаси ҳам у билан баробар ўзгаради ва ўқитувчидан ўз фаолиятини ўзгартиришни талаб этади. Бугун ўқитувчининг асосий вазифаси фақат таълим беришгина эмас, балки бошқарувчиликдан иборат бўлиб, у таълим жараёнини тўғри ташкил қилиши ва бошқариши талаб этилмоқда.

Бу борада ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва инновацияларни таълим жараёнига киритиш асосий вазифа ҳисобланади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти таълим-тарбия жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни тезда аниқлаб олишга ундайди. Муаммоларни аниқлаш ва тезда бартараф этиш имкониятларини қидириш бу тамомила янги инновацион маданиятни шакллантиради.

Бугун таълим тизимидаги педагогик инновация педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштириш, ниҳоят уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот сифатида қаралади.

Таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг интеллектуал фаоллигини ошириш бугунги кунда педагогиканинг бош вазифаси ҳисобланади.

Интеллектуал фаолликни оширишда интерактив усуллардан фойдаланиш яхши самара беради. Бу эса таълим жараёнида янгиликларни жорий этишни талаб этади.

Сўнги йилларда таълим соҳасида содир бўлган қатор ижобий ўзгаришлар ривожланишида муаммолари бўлган болалар тақдири масалаларини ҳал қилишда турли соҳа вакиллари янги йуналишлардаги фаолиятларининг бирлашуви билан чамбарчас боғлиқ. Боланинг ривожланишидаги меъёрдан четга чиқишларига эрта ташхис қўйиш, муаммо оқибатини бартараф этиш, қайта тиклаш, ривожланишида у ёки бу жиҳатдан муаммоси бўлган болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни умумтаълим



Date: 17th November-2025

муассасаларига уйғунлаштириш моделларини ишлаб чиқиш масалалари кун тартибида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Заиф эшитувчилар учун таълим мазмуни деганда таълим жараёнида ўқувчилар эгаллаб олишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларининг маълум бир ҳажми ва тизими тушунилади.

Таълим мазмунини такомиллаштириш ўрганилаётган фанларнинг рўйхати ҳар бир ўқув амалиёти ва ўқув фани бўйича материал ҳажмини аниқлаш ўқув дастурларини ва дарсликларда ортиқчаларини чиқариб ташлаш, асосий тушунча ва ғояларни аниқ ёритиб бериш, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган кўникма ва малакаларнинг энг мувофиқ ҳажмини белгилаш йули билан амалга оширилади.

Таълим мазмуни ўқув режаси, ўқув дастурлари дарсликларда ёритилган. Заиф эшитувчилар замонавий умумтаълим масканлари умумий педагогикада асослаб берилган дидактик тамойиллар тизими, илмийлик, онглилик ва фаоллик, тушунарлилик, кўргазмалилик, пухталиқ. яқка ёндашиш, изчиллик ва мунтазамлик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги ва бошқа тамойиллари бўйича иш олиб боради.

Назарияни амалиёт билан боғлаш талабаларни амалий масалаларни ҳал қилишда назариянинг аҳамиятини тушунишга олиб келади. Бу ўқув материалларини ўзлаштиришда унинг сифатини кўтаради. Бу тамойил меҳнат таълими ва ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш вазифаларини ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Талабаларнинг билимини онглилиги ва ижодий фаоллиги қоидаси: ўқувчиларнинг ўқишга онгли ва ижодий муносабатда бўлишларида ўрганилаётган материални тушуниб олишлари ва тушунганларини ифодалай олишларини; ўқиш фаолиятини ижодий ҳарактерда бўлишини; билимларнинг амалиётда онгли қўлланилиши ва уларнинг ишончга айланишини ўз ичига олади. Онглилик тамойилини амалга оширишда бош рол ишлаб чиқариш таълими устасига таълуқлидир. У талаба олдида турган вазифаларни аниқ қилиб ифодалаши ва уларни яхшилаб бажаришга кизиқиш уйғотиши керак. Ўқитишда онглиликнинг намоён бўлишининг олий шакли талабаларнинг ижодий фаоллигидир. Билимни эгаллашда онглилик мавжуд бўлса, талабаларда ижодий фаоллик шаклланиши ижобий самара беради.

Кўргазмали қуроллардан фойдаланишнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришдир. Бу тамойил ишлаб чиқариш амалиётини бевосита қабул қилиб олиш асосидаги ўқитишни назарда тутди. Ишлаб чиқариш амалиёти давомида доскадаги расм, модель, ишлаб чиқариш билан боғлиқ видеофильмлар, технологик харита ва бошқалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу нарсалар тафаккурни, кузатувчанликнинг фаоллашишига ёрдам беради, ўргани- лаётган мавзуларга кизиқишини оширади.

Date: 17th November-2025

Уларни қизиқарли ишлар олиб боришга ўргатади, билимларни фаол қабул қилишга ёрдамлашади, уларни ўзлаштириб олиш жараёнини осонлаштиради, билимларнинг мустақамлигини таъминлайди.

Амалий ишлар ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш ва мустақамлашга, шунингдек, билимларни амалиётда қўллаш, назария билан амалиёт ўртасидаги алоқани ўрнатишга қаратилади.

Амалий ишлар билим ва малакаларни шакллантиришда заиф эшитувчиларнинг мустақиллигини ва билиш фаоллигини ривожлантиришда, уларни ҳаёт ва меҳнат фаолиятига тайёрлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Инсон томонидан сезгилар орқали қабул қилинаётган барча нарсаларни идрок этиш диққатсиз амалга ошмайди.

Шу боис, ўқувчиларнинг ўқув амалиётларида, кенг ўзлаштириш, маълумотларни тушунишларида диққат жараёни ўта муҳимдир. Ўқувчилар диққатини тўплаш, йиғиш, тарбиялашда турли туман кўргазмаларни қуроллардан кенг фойдаланиш ижобий самаралар беради.

Ишлаб чиқариш амалиётига шахсга йўналтирилган технологияларни жорий этиш ва уни амалга ошириш кластер усули каби интерфаол таълим усуллари мисолида кўрсатиб бериш жараёнида ўқувчиларда ўқишга нисбатан катта қизиқиш, фаолликни, ўз устида мустақил ишлаш кўникмалари анъанавий таълимдан кўра юқори самарага эришиш мумкин.

Маълумки, шахсга йўналтирилган технологиялардан ҳисобланган кластер (фикрларни тармоқланиши)-педагогик стратегия бўлиб, у бирон мавзунини ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштиришда ҳамда кенгайтиришда асқотади.

Ишлаб чиқариш таълими устахоналарини замонавий техникалар билан бойитиб, ўқувчиларларда, тез тараққий қилиб бораётган илм-фан ва илғор технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ўқувчининг ўз устида мустақил ишлашларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўз олдимишга муҳим вазифа қилиб белгилаб олишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. З.Н. Мамаражабова “Сурдопедагогика”¹. Тошкент-2014.
2. Л.Р. Муминова, Ш.М. Амирсайдова, З.Н. Мамаражабова, М.И. Хамидова “Махсус психология”. Тошкент-2013.
3. П.М. Пулатова, Л.Ш. Нурмухаммедова “Махсус педагогика”.
4. Р. Шомахмудова “Махсус ва инклюзив таълим”. Тошкент--2011.

